

# ЯНГИ ТОПИЛМАЛАР

НОВЫЕ ОТКРЫТИЯ

DISCOVERIES

УДК 902

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАГИ ЯНГИ АРХЕОЛОГИК ТОПИЛМАЛАР<sup>1</sup>

© 2022. Саидов Мўминхон, Насриддинов Шукрулло

Самарқанд Археология институти,  
Наманган давлат университети

**Калит сўзлар:** хум, вино, озик овқат сақлаш омборхона, дон, Фарғона, Суғд.

Сўнги йилларда Наманган вилоятида олиб борилган археологик қазув ва қидирув ишлари жараёнида кўплаб археологик топилмажойлар аниқланди. Шулар орасида турли хил ҳудудлар, жумладан, аҳоли хонадонларида кўплар хумлар тасодуфан топилди. Мақолада Чортоқ, Поп ва Тўрақўрғон туманларида аниқланган хумлар мажмуаси тавсифи берилиб, уларни ўзига хос хусусиятлари қайд этилди. Ушбу хумлар мажмуаси шунингдек, сўнги йилларда Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида аниқланган хумлар билан қиёсий таққосланиб, топилма жойлар сўнги антик даврларга оид озик-овқат омбори сифатида эътироф этилди. Хумларнинг ушбу даврда кўп учраши антик даврда сузорма деҳқончилик ривожланиб, сув тегирмони, чигир турларидан кенг фойдаланилиши, деҳқончилик майдонлари кенгайиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни ошиши билан изоҳланди. Айнан шу ҳолат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг махсус жойларда – яъни озик-овқат омборларида сақланишига, бундай омборларда дон маҳсулотлари, турли хил суюқликлар, жумладан, вино маҳсулотлари сақланганлиги тўғрисида хулосага келинди. Хум қолдиқлари аниқланган барча ҳудудлар атрофида яшаш манзилгоҳлари қайд этилган бўлиб, ушбу манзилгоҳларнинг катта кичиклигига қараб хумларнинг сони ҳам шунга мутаносиб бўлган.

## НОВЫЕ АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ НАХОДКИ В НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

© 2022. Саидов Муминхон, Насриддинов Шукрулло

Самаркандский Институт археологии  
Наманганский государственный университет

**Ключевые слова:** хум, вино, продовольственный склад, зерно, Фергана, Согдийская область.

Археологические раскопки в Наманганской области за последние годы выявили множество археологических памятников. Среди них большое количество хумов наблюдалось на различных территориях, в том числе в жилых районах. В статье описан набор хумов, обнаруженных в Чартакском, Попском и Туракурганском районах, и отмечены их специфические особенности. Эту коллекцию хумов в последние годы сравнивают с хумами, найденными в Самаркандской и Сурхандарьинской областях, и они признаны продовольственными складами древних времен. Частое появление хумов в этот период объяснялось развитием в древности орошаемого земледелия, широким применением водяных мельниц, сортов хлопчатника, расширением сельскохозяйственных площадей, ростом сельскохозяйственного производства. Сделан вывод о том, что сельскохозяйственная продукция хранилась в специальных местах – продовольственных складах, где хранились зернопродукты, различные жидкости, в том числе винодельческая продукция. Жилые поселения отмечены вокруг всех участков, где были обнаружены остатки хумов, и отмечено, что количество хумов пропорционально размерам этих поселений.

2021 йилнинг апрел ойида Чортоқ тумани Қорабоғ МФЙ худудидаги Саиджон Ҳайитматов хонадони ҳовлисида олиб борилаётган хўжалик ишлари давомида хум бўлаклари чиқаётганлиги тўғрисида Наманган вилояти Маданий мерос бошқармаси ва Наманган давлат университети Археология кафедрасига маълумот берилди. Ушбу маълумот асосида белгиланган ҳудуд кўздан кечирилганда ер сатҳидан тахминан 1 м пастда бир неча хум қолдиқлари мавжуд эканлиги аниқланди. Шундан сўнг ушбу жойда Наманган давлат университети Археология кафедраси профессор ўқитувчи ва талабалари иштирокида қазув ишлари олиб борилди.

Фуқаро хонадони ва унга туташ ҳудуд нотекис рельефга эга бўлиб, жануб ва шарқ томон нисбатан баланд, ғарб томон кескин пасайиб кетади. 400 метр ғарбда Чортоқсой жойлашган бўлиб, улар оралиғидаги ҳудуд қишлоқ хўжалиги мақсадларида ўзлаштирилган. Ўзлаштирилган ҳудудда илк ўрта асрларга мансуб сопол бўлаклари кузатилади. Қазишма ишлари фуқаро хонадонининг жанубий ғарбий қисмида, кўчага яқин жойда олиб борилиб, қазув майдони шарқ-ғарб томон йўналган, ҳажми 23 х 3 м ўлчамни ташкил этди. Қазишма майдони жанубдан шимол томон кескин пасайиб борганлиги ҳамда шимолий қирғоғида катта дарахтлар ўсганлиги сабабли қазишманинг шимолий қирғоғи нотекис кўринишда (1-расм).


Қазишма жараёнида турли даражада сақланган 20 та хум қолдиқлари аниқланди (2-расм). Хусусан, 5, 6 ва 13 – хумлар сақланмаган бўлиб, улар кейинги даврларга оид чуқур ва ўралар қазилиши натижасида бузилган ва уларнинг контурлари қайд этилди, холос. 2, 17 ва 20 – рақамли хумлар эса деворининг нисбатан юқалиги (қалинлиги 0,5–0,6 см) билан ажралиб туради. Хусусан, 2-рақамли хумнинг ички қисм деворлари-



*1-расм. Қазишма майдонининг шарқ томондан кўриниши*

*Рис. 1. Вид раскопа с восточной стороны*

*Figure 1. View of the excavation from the east side*



2-расм. Қазилманинг умумий кўриниши


Рис. 2. Общий вид раскопа

Figure 2. General view of the excavation

да қизғиш суюқ ангоб берилган. Бундай хумларнинг гардиш қисми диаметри 76, 65 ва 85 см бўлиб, чуқурлиги 110–120 см, таг қисми эса 30 см. ни ташкил этади. 14-рақамли хумнинг бўйи 70 см бўлиб, оғиз қисми тухумсимон кўринишда, диаметри 38–40 см. ни ташкил этади. Таг қисмини диаметри 25 см. Айрим хумларнинг (4, 7, 11, 13–16, 18–19-хумлар) гардишдан қисми сақланмаган. Қолганлариники эса диаметри 60–65 (12, 17, 20), 76–85 см (1–3) ни ташкил этади. 16, 18–19-рақамли хумларнинг баландлиги 80 см бўлса қолганлариники 100–150 см ни ташкил этади.

Деярли барча хумларда таъмир излари мавжуд бўлиб, 0,5 см қалинликдаги гипс, лой сувоқ қолдиқлари ёки 7–12 см қалинликда бошқа хум бўлақлари қоплама тарзида ишлатилган. Барча хумларнинг ташқи томонидан тупроқ билан шиббалаб, баъзиларини махсус қоришмалар билан гардиш қисмигача қотириб чиқилган. Қазилма худудуда иншоот ёки қурилиш қолдиқлари аниқланмади.


Хумлар ичида тупроқ уюми билан биргаликда кам сонли сопол бўлақлари аниқланган. Жумладан, 1-ва 15-рақамли хум ичида қизил ангоб берилган сопол парчалари кузатилган бўлса, 12-рақамли хум ичида эса цилиндрсимон кўринишдаги идиш қайд этилди (3-расм). Идиш кулранг тусда бўлиб, узунлиги 23 см, гардиш қисми диаметри 6 см, тагдан қисми диаметри эса 4,5 см. ни ташкил этади. Гардиш қисми тик, тупроғи зич. Бундан ташқари 4-хум ичидан ички ва ташқи қисмига жигарранг ангоб берилган қадах идишининг таг қисми аниқланди (4-расм). Идишининг сиртида битиклар туширилган бўлиб, ушбу битиклар т. ф. д. Ф. Бобоёров томонидан қадимги турк-рун ёзуви сифатида эътироф этилиб, (a)ng(a)r ash “Унда егулик” (ризк), деб ўқилган. Бундай битикли идишлар одатда VI–VIII асрлар билан саналанади. Хумлар жойлашган сатҳ ва қазилма майдонида кўп сонли сопол буюмлар парчалари кузатилди.



3-расм. 12-рақамли хум ичида сақланган цилиндрсимон кўринишдаги идиш

Рис. 3. Цилиндрообразный сосуд из хума № 12

Figure 3. Cylindrical vessel made of the hum No. 12



4-расм. Сиртига битиклар туширилган қадаҳ  
Рис. 4. Кубок с надписью  
Figure 4. Cup with the inscription



5-расм. Юза қисмига тирнаб безак берилган идиш  
парчалари  
Рис. 5. Фрагменты сосудов с процарапанным  
орнаментом  
Figure 5. Fragments of vessels with scratched  
ornament

Ушбу сопол буюмлари парчалари таҳлил қилинганда сопол парчаларининг катта қисми хум ҳамда йирик хўжалик идиш бўлақларидан иборат эканлиги қайд қилинди. Умумий сонга нисбатан 2–3 фоизи майда ошхона (коса, товоқ, пиёла, хурмача ва х.қ.) идишлари парчаларидан иборат бўлиб, бундай идишларга қизил ёки жигарранг ангоб берилган. Айрим идишларнинг юза қисмида тирнаб ишланган безаклар кузатилади (5-расм). Бундай идишлар Фарғона водийсида кенг тарқалган бўлиб, сўнгги антик даврлар билан саналанган (Анарбаев, Максудов, 2007; Анарбаев, Сайфуллаев, Саидов, 2014. С. 51). Шу билан биргаликда хум ўрнатилган сатҳдан кўп сонли тош бўлақлари, жумладан майда ёрғучоқ қолдиқлари ҳам аниқланди.

Хумларнинг жойлашуви, унда аниқланган топилмалар ушбу ҳудуд озиқ овқат сақланадиган (ҳар хил дон маҳсулотлари, махсус ичимликлар (вино ва шарбатлар) ҳамда гўшт маҳсулотларини сақлаш учун) омборхона бўлганлигидан далолат беради. Қазилма майдонидан ғарбда 100 м радиусда сопол бўлақларининг учраши ушбу ҳудудда қишлоқ макони бўлганлиги ва озиқ-овқат омбори ҳам шу қишлоқ маконига тегишли эканлиги борасида фикр юритиш имконини беради. Хумларнинг кўп марталаб таъмирланиши, айрим ҳолларда эса олдинги хум ичига янгисини жойлаштирилиши омборхона узоқ муддат фаолият

кўрсатганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, VI–VIII асрларга оид сиртига ёзув туширилган идишнинг учраши ҳам шу билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Кейинги йилларда ер остига жойлаштирилган хумлар вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам аниқланди. Жумладан, 2020 йили Поп тумани Санг қишлоғи ҳудудида фуқаро томонидан ўз хонадонидан иссиқхона ташкил этиш мақсадида қазув ишлари олиб борганида хум қолдиқлари қайд этилиб, ушбу ҳудудни археологик ўрганиш жараёнида хумнинг баландлиги 1,5 м, оғиз қисмининг диаметри 75 см, тагдон қисмининг эса диаметри 30 см бўлганлиги аниқланди. Атрофдаги қизил ангобли сопол бўлақлари асосида хум III–IV асрлар билан давлаштирилади.

Шу йилнинг ўзида Тўрақўрғон тумани Аҳси қишлоғи, фуқаро Абдулбори Салимов хонадонидан хўжалик ишлари натижасида сопол парчалари кузатилади. Ушбу хабар асосида олиб борилган қазув ишлари натижасида бу ерда ер сатҳидан 60 см чуқурликда иккита катта хум тик ҳолатда, оғзигача қўмилганлиги аниқланди ва очиб ўрганил-




6-расм. Ахси қишлоғида аниқланган хумлар  
 Рис. 6. Хумы, найденные в селе Ахси  
 Figure 6. Hums found in the village of Akhsi

ди<sup>2</sup> (6-расм). Биринчи хум баландлиги 1,50 м, гардиш қисми дм 72 см, қорин қисмининг кенглиги 1 метр, таг қисмининг диаметри эса 25–30 см ни ташкил этади. Хум ичида тупроқ билан биргаликда донларнинг чириндига айланган қолдиғи кузатилди. Шу билан бирга хум ичида тупроққа аралашиб кетган кўплаб кўй суяклари билан биргаликда жуда кичкина (6–8 см катталиқда) олти дона (биттаси жуда ёмон сақланганлиги учун тиклаб бўлмади) қизил ангобли сопол кўзачалар ҳам аниқланди (7-расм). Иккинчи хум нисбатан кичикроқ бўлиб, бўйи 1,40 см, таг қисмининг диаметри 25 см бўлиб, гардиш қисми сақланмаган. Қазил давомида юқори катламлардан XV–XVI асрларга оид сирли сопол парчалари, хум ва унинг атрофидан эса III–IV асрларга тегишли қизил ангобли сопол бўлақлари аниқланди.

2021 йилда эса Поп тумани Тўда қишлоғи, Шимолий Фарғона канали ёқасида, антик даврга оид Оқтепа ёдгорлигидан икки юз метр ғарбда дала майдонида ишчилар томонидан ариқ тозалаш давомида сопол бўлақлари аниқланади. Бу ерда олиб борилган қазув ишлари давомида 50–60 см чуқурликдан учта катта хум қолдиқлари аниқланди (8-расм). Хумларнинг сақланиш ҳолати ва ҳажми ҳар хил бўлиб, деярли ҳаммаси ёрилган, синган ҳолатда.

1-хум. Қазилнинг шарқий чеккасида жойлашган, баландлиги 1,5 м, оғиз қисми диаметри 0,85 м, таг қисми диаметри эса 0,35 м. ни ташкил этади. Атрофдаги тут дарахти илдизлари сабабли хум қаттиқ шикастланган. Ички



7-расм. Хумлар ичидан топилган майда идишчалар  
 Рис. 7. Миниатюрные сосуды, найденные внутри хумов  
 Figure 7. Miniature vessels found inside hums



*8-расм. Тўда қишлоғидан топилган хумлар*

*Рис. 8. Хумы, найденные в селе Туда*

*Figure 8. Khums found in the village of Tuda*

қисми тупроқлардан тозаланганда ичидан тошлар, ёрғучоқ қолдиғи ва қизил ангобли сопол синиқлари аниқланди.

2-хум. 1 хум ёнида жойлашган бўлиб, сақланган қисмининг баландлиги 1,0 м, таг қисми диаметри эса 0,30 м. Гардиш қисми сақланмаган. Хумнинг ички қисми тозаланганда ўзининг бўлақлари, қизил ва оқ ангобли сопол парчалари топилди

3-хум. Қазилма қисми ғарб томонида жойлашган, баландлиги 1,4 метр, оғиз қисми диаметри 0,70 м, таг қисминики эса 0,32 м. Хумнинг ичидан топилмалар аниқланмади, атрофидан ўзининг бўлақлари ва майда қизил ангобли сопол парчалари топилди.

Атрофдаги топилмалар ва хумларнинг ясалиш услубига қараб, хум III–IV асрлар билан даврлаштирилди.

Дала майдонлари ёки фуқаро хонадонларида тасодифан аниқланган хумлар Республиканинг қолган ҳудудларида ҳам кузатилган. Хусусан, 2019 йилда Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Қайроғочли қишлоғида фуқаро Б. Ҳақбердиев хонадонидан 2 метр чуқурликда битта сатҳда 10 га яқин хумлар тартиб билан қўрилганлиги қайд қилинди. Ушбу хумлар милодий аср бошлари билан саналаниб, суяк маҳсулотлар ва донни сақлаш учун ишлатилганлиги борасида хулосага келинди. Шунини қайд қилиш лозимки, олиб борилган изланишлар давомида бу ҳудудда (яъни хум аниқланган жойдан 50–100 м узоқликда) ўтган асрнинг 60-йилларигача катта тепалик мавжуд бўлганлиги ва бу тепалик ҳудуддан ўтказилган темир йўл излари тагига текислаб юборилганлиги аниқланди. Бундай хум қолдиқлари 2022 йилда Каттакўрғон тумани Заркўрғон маҳалласининг Қўйравот қишлоғида фуқаро хонадонидан қайд этилади. Хумлар ер сатҳидан 30–50 см пастда аниқланган бўлиб, ундан жануб ва ғарб томонда, тахми-

нан 600–700 м узокликда археологик ёдгорликлар жойлашган. Даврий жихатдан сўнги антик давр билан саналанган хумлар атрофида оддий тошлардан ёнбош тарзда ётқизилган сатҳ аниқланиб, бу ҳолат ушбу жой қадимда шу ерда яшаган аҳоли ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаганлигидан далолат беради.

2019 йилда Термиз туманидаги Зўрмола ёдгорлиги яқинида жойлашган дала экин майдонидан ҳам шундай хумлар жамланмаси аниқланган бўлиб, у топилган милодий I–II асрлар Кушон подшолиги даври билан саналанган. 6х6 метр ҳажмдаги ҳудудда олиб борилган дастлабки қазилма ишлари жараёнида 22 дона хумлар аниқланган. Ушбу хумлар ҳам озиқ-овқат сақланадиган омборхона сифатида қайд этилган.

Хулоса сифатида қайд этиш мумкинки, антик даврда рўй берган ижтимоий иқтисодий мунособатлар турли жабҳаларда намоён бўлади. Суғорма деҳқончилик ривожланиб, сув тегирмони, чиғир турларидан кенг фойдаланилади, ерга ишлов бериш қуроллари такомиллашади. Деҳқончилик майдонлари кенгайиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми ошади. Бундай маҳсулотлар махсус жойларда – яъни озиқ-овқат омборларида сақланиб келган. Бундай омборларда дон маҳсулотлари, турли хил ичимликлар, жумладан, вино маҳсулотлари сақланган. Хусусан, Хитой манбаларида қайд этилган Даван давлати ҳақидаги маълумотларда Фарғона худудида боғдорчиликда асосан узум етиштириш ва узум шарбати, яъни вино тайёрлаш бўйича тажрибали бўлганлиги, шунингдек бой хонадонларда сархуш қилувчи винолар кўп сонли хумларда, катта миқдорда сақланганлиги ёзиб қолдирилган (Сыма Цянь, 2010. С. 358). Сифати зўр, бир неча йиллик ўткир виноларни жуда қиммат нархларда сотганликлари айтиб ўтилади. Шу билан бир қаторда, бундай жойларда майда идишларни учраши турли хил зираворлар ҳам сақланган бўлиши мумкин, деган фикрни илгари суриш имконини беради. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, хум қолдиқлари аниланган барча ҳудудлар атрофида яшаш манзилгоҳлари қайд этилган бўлиб, ушбу манзилгоҳларнинг катта-кичиклигига қараб хумларнинг сони ҳам шунга мутаносиб бўлган.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- Анарбаев А. А., Максудов Ф. А. Древний Маргилан (из истории земледельческой и городской культуры Ферганы). Ташкент: Фан, 2007. 161 с.
- Анарбаев А., Сайфуллаев Б., Саидов М. Археологические исследования в г. Коканде и его окрестностях. Самарканд, 2014. 131 с.
- Сыма Цянь. Исторические записки (Ши цзи) в 9 томах // Памятники письменности Востока. Том 9. Жизнеописание. Перевод с китайского, комментарий под редакцией А. Р. Вяткина. Вступительная статья А. Р. Вяткина. Москва: Восточная литература, 2010. 624 с.

### REFERENCE:

- Anarbaev A. A., Maksudov A. M. 2007. *Ancient Margilan (From the history of agricultural and urban culture of Fergana)*. Tashkent: "Fan" Publ., 161.
- Anarbaev A., Saifullaev B., Saidov M. 2014. *Archaeological research in the city of Kokand and its environs*. Samarkand, 131.
- Moments of the written language of the East*. 2010. Sima Qian. Historical Notes (Shi Ji) in 9 volumes. In Vyatkin R. V. (ed.). Translation from Chinese and commentary by R. V. Vyatkin. Vol. 9. Biographies. Moscow: "Eastern Literature" Publ., 624.

### ЭСЛАТМА:

<sup>1</sup> Мақола Ф3-202011021 рақамли грант доирасида тайёрланди.

<sup>2</sup> Топилган хумларнинг холати яхши, кўринишидан бутунга ўхшасада узок вақт кучли намлик ва захда

турганлиги, шунингдек ер қатламларининг қисиши натижасида дарз кетган ва ёрилганлиги учун бутун ҳолатда олиб бўлмади.

## **NEW ARCHAEOLOGICAL FINDINGS IN THE NAMANGANS REGION**

© 2022. *Muminkhon Saidov, Shukrullo Nasriddinov*

*Samarkand Institute of Archeology  
Namangan State University*

---

**Keywords:** hum, wine, food storage warehouse, grain, Fergana, Sughd.

*Archaeological excavations in Namangan region in recent years have revealed many archeological sites. Among them, a large number of hums were observed in various areas, including residential areas. The article describes the set of hums found in Chartak, Pop and Turakurgan districts and notes their specific features. This collection of hums has been compared in recent years with the hums found in Samarkand and Surkhandarya regions, and they have been recognized as a food depot of ancient times. The frequent occurrence of hums in this period was explained by the development of irrigated agriculture in ancient times, the widespread use of water mills, cotton varieties, the expansion of agricultural areas, the growth of agricultural production. It was concluded that agricultural products were stored in special places - food warehouses, where grain products, various liquids, including wine products were stored. Residential settlements were recorded around all areas where hum remains were identified, and the number of hums was noted to be proportional to the size of these settlements.*